

Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

2000 йил 15 ноябрь, чоршанба. №89-90 (14372)

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилди:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 14 ноябрь

Ислом КАРИМОВ:
Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги энг улуг бойлигимиздир.

БИЗ КИММИЗ? УЛУГ АҲДОДЛАРНИНГ ВОРИСЛАРИМИЗ

Дарҳақиқат, биз асли киммиз, кимнинг фарзандларимиз?

Биз мустақил Ўзбекистоннинг кўрар кўзимиз, порлоқ келажакни яратувчи ёшларимиз. Ватанимиз биздан кўп нарсаларни кутишга ҳақли. Чунки биз жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Хоразмий, Имом Бухорий, Фарғонийлар авлодларимиз. Бизнинг жисму жонимизда ўзбек миллий давлатчилигига асос солган Амир Темур, халқнинг бахт-саодати, тинчлик-осойишталиги учун аёл боши билан тенгсиз душманга қарши курашган Тўмарис, енгилмас баҳодирлар, Паҳлавон Маҳмуд, Жалолитдин Мангуберди, Маҳмуд Торобий, Муқанналар қони бор.

Ватанимиз биздан кўп нарсаларни кутишга ҳақли. Зеро, биз инсониятнинг энг дастлабки маданий ёдгорликларидан бири "Авесто" яратилган замин фарзандларимиз.

Ватанимиз биздан кўп нарсаларни кутишга ҳақли. Биз Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Фафур Фулор каби юзлаб фозиллар ишларининг давомчиларимиз. Ватан туйғуси ўзбек халқи билан ҳамжиҳатликда яшаб келаётган тили, эътиқоди, урф-одатлари, миллий сифатлари турлича бўлган юздан ортқ миллат ва элатлар авлодлари учун ягоналиги бугунги кунда ҳаммага аён ҳақиқатдир. 1991 йил 1 сентябрь

куни ўз мустақиллигига эришган, 170 дан ортқ давлатлар тан олган, 1992 йил 2 мартда БМТ га аъзо бўлган юрт фарзандимиз.

Бу ўзининг босиқлиги, ҳар қандай кескин вазиятда ҳам масала ва муаммоларни тинчлик, музокара, мунозара йўли билан ҳал қилиш, изчил кундалик меҳнат эканлигини тан олиш ва унга рия қилиш, оналар ҳамда фарзандларга алоҳида меҳрибонлик билдириш, ҳаётнинг ўткинчи эканлигини билиб, мол-дунё йиғиш, охир-оқибатда, кўпинча ижобий эмас, балки салбий натижа беришини назарда тутиш, бойлик ёки шон-шухратга, юксак лавозимларга эришган билан инсон зоти осмонга устун бўлолмайди, деб ҳамма вақт ўзини тия билиш хислат ва хусусиятларига эга халқ истиқомат қиладиган заминдир.

Ўзини Ўзбекистон фуқаросиман деб ҳисоблайдиган ҳар бир ёшда миллий гуруҳни, ўзликни англаш туйғуси шаклланиши лозим. Қалбида шу муқаддас Ватан фарзандиман деган туйғу бўлган ҳар бир йигит-қиз аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан, ўзга миллатлар олдидаги қадриятларидан, обрў-эътиборидан фахрланмоғи, унинг муаммоларига бефарқ қарамаслиги, ўз халқининг моддий, маънавий мероси, урф-одатлари, аънаёлари, қадриятлари, тарихини мукаммал ўзлаштиришга ва уларни ўзга миллатларники билан қиёсламоғи лозим.

Тўхтасин АРСЛОНОВ, Акбархон МАГДИЕВ

МУНОЗАРА ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси ва "Ёшлар" телеканали ҳамкорликда "Буюк келажакка ишонч" мавзuida ёшлар мунозараларини ўтказди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад — истиқлол ғоясини, миллий мафурани, миллий ифтихор туйғуларининг ёшларимиз қалбига синдиришининг янги, таъсирчан йўл ва усуллари билан таниш ва жорий этишдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун мамлакатимизнинг турли қабаларида меҳнат қилаётган, турли ўқув юрларида таълим олаётган эллик нафардан иборат "Буюк

«КАМОЛОТ»

келажакка ишонч" ёшлар мунозаралари гуруҳи ташкил этилди.

Гуруҳ аъзолари дастлаб пойтахтдаги Шаҳидлар хотираси хиёбонида "Азалий буюклик маскани" музвзuida мунозара ўтказдилар. Унда Ватан эрки йўлида шахид бўлган Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Боту, Бехбудий сингари юртининг чин ўғлонлари хотираси ёд этилди, уларнинг асарлари устида сўз борди.

Сўнг Темирийлар тарихи давлат музейида "Темирийлар давлатчилиги" мавзuida тарихчи олимлар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Гуруҳ аъзолари Муқимий номидидаги мусиқали-драма театрида сахна-

хабар beradi:

лаштириётган "Машраб" спектаклини тайёрлаш жараёнида иштирок этдилар ва Машраб ҳаёти ҳамда ижод йўли билан танишдилар. "Ислом дини ва ёшлар" мавзuidaги мунозаралар эса "Занги ота" зиёратгоҳида олиб борилди.

Тадбирда "Камолот" жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Қахрамон Қуронбоев, жамғарма масъул ходимлар Зулхумор Рўзиева, Бегмат Очилов, Акбархон Магдиев, Азим Саидов ҳамда "Ёшлар" телеканали ходимлари Олим Умаров, Гўзал Норчаева фаол иштирок этдилар. "Камолот" жамғармаси бундай тадбирларни вилоятларда ўтказишни ҳам режалаштирган.

Сайёд ЖўРАЕВ Мунаввар УМАРОВ

Shu songa xabar

25 ЁШЛИ РАҲБАР

Денов туманидаги "Савб" ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилган турли ичимликни истеъмол қилмайдиган киши кам бўлса керак. Хозир корхонада 6 хил маҳсулот чиқаришмоқда. Яқинда Ялта шаҳрида бўлиб ўтган танловда корхона маҳсулотлари медал ва дипломлар билан тақдирланди.

Ишлаб чиқаришни ҳиссадорлик жамиятга янада ривожлантириш мақсадида, ташаббускор, иқтисодчи, 25 ёшли Бахтиёр Бакиров раҳбар этиб сайланди.

КОЛЛЕЖЛАР ЯНА КўПАЙДИ

Каттақўрғон туманида шу йилнинг февраль ойида Қадан қишлоқ хўжалик касб хунара коллежини куриш ишлари бошланган эди.

Коллеж 600 ўринга мўлжалланган бўлиб, 2000 йилнинг 4-чорағида ўқувчиларга топширилади.

— Шу ўқув йилида 5 йўналиш бўйича 125 нафар ўқувчи қабул қилинди. Бундан ташқари, ўқувчиларга қўшимча мутахассислик — В, С тоифали автомобил ҳайдовчиси гувоҳномаси ҳам берилади, — дейди коллеж директори Мусоқул Ҳақбердиев.

Ўқув даргоҳига 16,2 гектар тажриба ер участкаси олиш режалаштирилган. Хозир курилишда "Бинокор" ҳиссадорлик жамияти жамоаси хизмат қилаётти.

ЯНГИ АСАР САҲНАЛАШТИРИЛМОҚДА

Ҳамза театри томошабинлар ҳукмига ҳавола этган "Чимилдиқ" асари мухлислар қалбидан жой олган эди.

Яқинда "Чимилдиқ" муаллифи Эркин Хушвақтовнинг янги "Қаллик ўйини" асарини Турғун Азизов сахналаштирди. Унда бош ролларни Дўлбар Икромов, Фарҳод Абдуллаев ва Муқаддас Холиқова ижро этишмоқда.

"Қаллик ўйини" спектакли ўз мухлисларини топишига ишонамиз.

Бобомурод РАЙИМОВ

Бўлар элнинг болалари



Хоразм Боготини боғлар маскани дейишди. "Богот" сўзининг луғавий маъноси ҳам айнан шуни англатади. Одамларнинг табиати ўзига хос. Худо жиндек юқтирган инсон боласи борки, шу боғлардек гуркираб ўсишга интилади...



Тўмарис, Широқ, Жалолитдин Мангуберди каби халқ қахрамонлари сиймосини устозлар маҳоратидан ибрат олиб қизаяпти. "Биз тинчликни истаймиз", "Улкам Хоразм", "Найманд", "Онажоним" каби суратларида мурғак истеъдоднинг изини кўргандай бўласиз.

— Қани энди туманда ёш расомлар тез-тез йиғилиб, таниқли мусаввирлар билан учрашувлар ўтказиб турилса, — дейди Х. Алланазаров.

Хушнудбекнинг чизганларидан ижодий муҳитга ташналикни ҳис этдик. Уйлаймики, "Камолот" жамғармасининг Богот туман бўлими ва туман халқ таълими бўлимидагилар истеъдодли ёшнинг орзуларини рўёбга чиқишига ёрдам беришади.

Эрпўлат БАХТ, "Туркистон" мухбири

Ҳамро Рўзиматов номли ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Хушнудбек Алланазаровнинг соддагина сўзларини тинглар экансиз, руҳингиз тозариб, кўнглингиз ёришгандай бўлади. Кўзларида улкан орзулар чакмоғи чақнаб турган бу болакай ҳали уч яшарлиғидаёқ Тўмарис суратини чизганини эшитиб, ҳайратландик.

— Ўғлимиз 3-4 ёшидаёқ деворларга, йўлакларга соддагина манзараларни чизиб юрар эди, — дейди ёш мусаввирнинг отаси Эргаш Алланазаров. — Хушнудбекнинг айниқса, маҳалла-қўйда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақида расм чизиши бизни лол қилди.

Дарвоқе, тарих фанини ривожлантиришда тасвирий санъатнинг алоҳида ўрни бор. Ўтмиш воқеалари баъзан ҳар хил суратлар орқали тақдир қилинади. Хушнудбекнинг чизган суратлари ҳозирча болалигидан ёдгор бўлиб қолувчи мўъжаз тарихлардир. Бу тарих келажакда Ватан тарихини абадийлаштиришга ўз ҳиссасини қўша ажаб эмас.

Хушнудбек Алланазаров

"Turkiston"da tanqid qilingach...

БОШЛИҚ ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

(Шу йилнинг 21 октябрда газетамизда Эълон қилинган, "ТОЛЪКО ЎЗБЕКЧА" мақоласида "Ўзтемирийўйловчиларташиш" Давлат корхонаси раҳбариятидан жавоб хати олинди.)

Мақола корхонамизнинг Тошкент филиали ҳамда Гулистон шохбекати ходимлари ўртасида муҳокама қилинди. Айни кунда мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф қилинмоқда.

Гулистон шохбекати бошлиғи ўз вазифасига совуққонлик билан қарагани учун лавозимидан четлатилди.

Р.Х. РАҲМОНКУЛОВ, корхона бошлиғи

ОҚПАДАРЛАР

Республика Олий судида бир гуруҳ жиноятчи ватанфурӯшлар устидан кечаятган суд жараёни якуновчи паллага кирди. Суд терговни ниҳосига етган, Прокурор айбномаси ўқиб эшиттирилди. Давлат қораловчиси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Эркин Қудратов айбномани ўқиб давомиди уларнинг турли йилларда содир этган инсонийликдан йироқ ваҳшийликлари, қотилликларини яна бир бор эслатиб, жиноятчиларнинг асл "башараси"ни очди. Шундан сўнг жамоат айбловчилари ҳамда адвокатларга сўз берилди. Улар ҳам қўнунийлик принципларига амал қилиниб, жиноят содир этган ҳар бир киши тегишли жазо олишини таъкидладилар. Судланувчиларга охириги сўз айтиш имкони берилди. Улар қўл урган қинғирликларидан пўшаймон бўлиб, Ўзбекистон халқи ва Президентидан кечирим сўрашди. Шунинг билан Суд ҳайъати Маслаҳат кенгашига йўл олди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни хоҳлардик. Судланувчилардан бири Улуғбек Маҳмудов "Ахборот" мухбири саволларига жавоб бера туриб, оилада бир ўғил эканлигини, отаси ноқобил ўғилнинг қилинишидан бош кўтариб юролмай ўз жонига қасд қилганини айтиб ўтди.

Энди ўйлаб кўринг, Улуғбек Маҳмудовга бундан ортқ жазо борми? Не-не умидларда, оқ ювиб-оқ тараб улғайтирган қилбағохи юзига оёқ кўйди. "Болам" деб бағрига босган ватан тупроғига қотилу жаллодлар билан бирга ҳамла қилди. Қилаётган ишнинг эртасини ўйламади. Оқпадар бўлди. Улар ҳар бирининг жирканч тақдир, бизни, айниқса, катта ҳаётга энди қадам қўяётган ёшларни, доимо оғоҳ этиб турмоғи керак.

Шавак АБДУХОЛИҚ ўғли, "Туркистон" мухбири

"ТУРКИСТОН" СЎРОВНОМАСИ

Бугундан бошлаб ушбу сўровнома орқали ёшлар ҳаёти, яъни тенгдошларимиз билан боғлиқ муҳим саволларга берилган жавобларни эълон қилиб борамиз. Ёш катталар нима деркин? Ёшлар-чи? Улар қандай фикрда?

Сўлмас СУЛТОНОВ, Алишер Навоий номидидаги республика "Нафис санъат" лицейи директори:

— Энг аввало, ёшларни бирлаштирувчи куч — тарғибот ва ташвиқот эканлигини таъкидламоқчиман. Шундай экан, уларни бирлаштириш учун тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Қандай қилиб? Бу йўлда ОАВдан кенг ва оқилона фойдаланиш муҳимдир. "Фалончининг тугилган куни экан, марҳамат қўшиқ эшитинг" каби гаплар билан иш битмайди.

Саволлар:

1. Сизнинг фикрингизча ёшларни бирлаштирувчи куч нима?
2. Ёшларни бирлаштириш учун қандай ишлар қилиниши лозим?

Азизбек Тураниев, ЎЗМУ журналистика факультетининг биринчи курс талабаси:

1. Фикримча, бутун башариятни жиполикда ушлаб турадиган қудратли восита — бирлашиш тушунчаси.
2. Бу йўлда ёшлар онгига бирлашиш тушунчасини синдириш лозим. Бу расмиятчиликкагина хизмат қиладиган бир-икки йиғилишда ҳал бўладиган

масала эмас! Бунинг учун албатта, узлуқсиз таълим ва тарбия шарт. Ватан тушунчаси билан ёнма-ён ҳолда тарихимизни боғча давриддан бошлаб ёшлар онгига синдириб боришнинг ахамияти шундаки, буюк аждодларнинг шухратини англаган ҳар қандай кишида миллий гуруҳ шаклланади. Энг асосийси, у кеча кимнинг фарзанди бўлгану, эртага ким бўлиши лозимлигини англаб етади. Чинор илдириддан чинор ўсиб чиққанидек, ўшандагина буюклар изидан буюклар өтишиб чиқади.

"Туркистон" мухбири Шоди ОТАМУРОД тайёрлади

ЎЗБЕКНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ



Улуғ алломаларимиз мангута ором толган манзилларни ҳамisha кабутарлар, какликлар макон тутган. Бу гўшалар шу каби табиатнинг энг хокисор ҳамда энг чиройли кушларининг маъсум хонишлари, жозибали рақслари билан ҳам янада жозибали, оромбахш туюлади.

Бундан буёғига Фарғонанинг зариф тонглари Бурҳониддин

О'zligimiz o'zlanori

қўриган катта-катта хунарманда усталари қаторида бутун вилоят аҳли, айниқса, марғилонликлар фаол қатнашди. Доимий равишда халқ ҳашарлари уюштирилиб, бу савобли ишдан ҳеч ким четда тургани йўқ. Бу борада ёшлар алоҳида ташаббуслар билан чиқиб, астойдил меҳнат қилганилари янада қувонарлиқдир.

Йил давомида вилоятнинг барча шора ва муассасалари, ўқув

қолаверса бутун фарғоналиклар катта иштиёқ ва қизиқш билан улуғ аллома тўғи тараддуидалар.

— Муҳтарам ватандошимизнинг тўғи биз учун кат-

Бурҳониддин Марғиновичнинг 910 йиллигига

Фикҳ илмининг билимдони, номи Шарқда ҳам, Фарбда ҳам машҳур бўлган ватандошимиз Абул Ҳасан ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ар-Рошидоний ал-Марғинович 1123 йил 23 сентябрда Рошидон (Риштон)да таваллуд топди. У дастлабки илми Риштонда ва Марғишонда олиб, кейинчалик Бухоро ва Самарқандда давом

ниддин ҳаж сафарини амалга ошириб, Араб мамлакатларида ўқишни давом эттирди. У ўзининг "Китоб ул-машойх" асарида ўзини ўқитган қирққа яқин уламонинг номини келтирган. Олим илму фанни ўрганишга жуда иштиёқманд бўлган ва бошқаларни ҳам илм олишга тарғиб қилган. У ҳар гал китоб ушлаганда таҳратли, асар ёзаётганда эса тугатгунча рўзада бўлган.

Ал-Марғинович Араб мамлакатларида тахсил олиш жараёнида фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги)га оид асарларни мукаммал ўрганган. Натيجида бу соҳада фойдаланишга қулай асар йўқ экан, деган хулосага келади ва шундай асар ёзишни ўз олдига мақсад қилиб

ма бўлиб хизмат қилди. Ал-Марғинович "Ҳидоя" асарини ёзишга ўзининг ўн уч йиллик умрини сарфлади ва 1178 йили Самарқандда ёзиб тугатди. У икки жилд, тўрт жуздан иборат бўлиб, ўз ичига эллик еттита китоб (мақола)ни олади. Ҳар бир китоб эса ўз навабатида фаслларга бўлинган. "Ҳидоя"нинг шухрат қозонишига омил бўлган сабаблардан бири шуки, у фойдаланишга қулай, керакли масалаларни тўпиш осон, бундан ташқари унда бошқа мазҳаб соҳибларининг фикрлари ҳам келтирилган бўлиб, сўнг олим ханафия мазҳабининг масалаларига қисқагина хулоса беради.

УЛУҒЛАРНИ УЛУҒЛАР ИҶҚЛАР

ниддин Марғинович мақбараси пештоқига ин қурадиган кабуларларнинг қўшиқлари нурга тўлдиради...

Айни кунларда улуғ алломанинг кутлуғ тўғига тайёргарлик ишлари деярли ниҳоясига етди. Марғилон шаҳар темир йўл шоҳбекатидаги 3,2 гектар майдонда Бурҳониддин Марғинович хотира мажмуи қурилади. Мажмуа урамида гўзал ва бетакрор хиёбонлар, гулзорлар, фавворалар барпо этилади. Мажмуанинг юқори қисмига кўҳна Шарқ анъаналарини ўзида мужассамлаштирган 250 метр узунликдаги девор тикланади.

Ўзбекистон халқ устаси Абдуғани Абдуллаев бошчилигидаги Тошкент ва Қўқон шаҳарлардан келган хунарманда усталар миллий ёғоч ўймакорлигининг Фарғона хунармандчилиги мактаби асосида олти устунлик мақбара барпо этилади. Умуман мажмуани барпо этишда мамлакатимизнинг кўзга

юртлари, маҳаллаларида Марғинович дарслари ўтказилиб

Илм мартабаси — улуғ мартаба, Барчасидан олий кутлуғ мартаба. Олим ўлса ҳамки, иззатга ёрди, Нодон ўлгач, тупроқ остида хордир.

Бурҳониддин Ал-МАРҒИНОНИЙ

келинмоқда. Дарслар самарасиз кетаётгани йўқ, албатта. Масалан, биргина Марғилон Тиббиёт билим юрти талабалари ўз кўчлари билан ўқув даргоҳида алломага бағишланган музей очилар. Бундан ташқари шаҳар миқёсида ёш ижодкорлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Ғолиблар тақдирланди. Ўз навбатида бутун Марғилон шаҳри миқёсида кенг қўламли ободончилик ишлари олиб борилди. Шаҳарнинг маданият ва истироҳат боғи қайта таъмирланиб, янги йўлаклар, хиёбонлар қурилади. Марғилонда аллома номи билан аталадиган шоҳ кўча ва маҳаллада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Марғилон аҳли,



Илм нур, зулматдан қутқарар ҳар он, Нодон эса зулмат ичра бегумон. Илм чўққи, кимки чўққига чиқар, Чикувчини илм ғамдан қутқарар.

Бурҳониддин Ал-МАРҒИНОНИЙ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЁРКИН САҲИФАЛАРИ

Ўтган йили Хоразмда халқ қаҳрамони Жалолиддин Манғубердига, Термизда халқимизнинг қаҳрамонлиги тимсоли Ал-поммишга, ундан олдинги йили Самарқандда Имом Бухорийга, Фарғонада Аҳмад Фарғонийга, ундан олдинги йилларда соҳибқирон бобомиз Амир Темурга, фалакиёт илмининг султони Мирзо Улугбекка, назм кўеши Алишер Навоийга... эҳ-ҳе, қанчадан-қанча улуғ боболаримизга ҳайкал ва ёдгорликлар қўйилди. Уларнинг нодир асарлари нашр этилди. Улар ҳақида бадийий фильмлар ишланди, китоблар ёзилди. Шубҳасиз, бу ишлар мустақиллик тарихининг ёрқин саҳифалари бўлиб қолади.

Жамшид ТОШҚУЛОВ, талаба

Ботир ОМОН, журналист

ФИКҲ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

қўяди. Дастлаб у "Бидоят ул мубтадий" ("Бошловчиларга дастлабки китоб") номли асар ёзади. Сўнг

даёқ қўлёзма ҳолида кенг тарқалган. Унинг энг қадимий нусхаси ўзР ФА Шарқшунослик институтиде сақланмоқда ва у 1280 йилда, муаллиф вафотидан 73 йил кейин кўчирилган. Шарқшунослик институтиде "Ал-Ҳидоя"нинг 80 дан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланмоқда, бу эса мазкур асарнинг халқ орасида қанчалик машҳур бўлганига далилдир.

Шарқда бирор асар ёзилгач, уни шарҳлаш, кенгайтириш, хошия, таълиқ ёзиш ёки фойдаланишга қулай қилиб қисқартириш анъанаси мавжуд. "Ал-Ҳидоя"га ҳам олимлар кўплаб шарҳлар ва тушунтиришлар ёзганлар. "Ал-Ҳидоя"га ёзилган шундай шарҳлардан эллиқдан ортиғи бизга маълум.

Ал-Марғиновичнинг ўзигина эмас, балки

сақланмоқда. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Бурҳониддин ал-Марғинович ўз давригача бўлган фикҳшуносликка оид фикрларини янада ривожлантирди ва улари хулосалаб берди. Ўз асарлари, шеърлари ва мадрасада олиб борган фаолияти билан илму фаннинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг "Ҳидоя" асари ҳозирги кунгача ислом оламида шариат масалаларини ҳал қилиш ва фикҳшунослик тарихини ўрганишда қўлланма бўлиб келмоқда. Бундан кейин ҳам у ўз қимматини йўқотмайди.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, тарих фанлари номзоди

АСРЛАР БЎЙИ ҚОЛАЖАК МАЖМУА

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Халқ устаси:

— Бу ерда қисқа фурсатда чиндан ҳам қўлами жихатидан жуда катта, санъат нуқтаи назаридан гоятда ноёб иш амалга оширилди. Асрлар оша авлодларга Ватанимизнинг шон-шавкатидан, халқимизнинг куч-қудратидан ҳикоя сўзлайдиган мажмуа бунёд этилди. Бу ўзига хос нодир, пишк, пухта санъат асари ҳамдир. Унда тарихимиз бугунимиз билан, Шарқ меъморчилиги, Фарб архитектураси билан нозик ва нафис тарзда уйғунлашиб кетган.

Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир вилоят, шаҳарларида қадим-қадимдан ўзига хос халқ амалий санъати мактаби шаклланган. Мажмуани барпо этишда Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Риштон каби бир неча ана шундай мактабларнинг моҳир вакиллари иштирок этди, ҳар бир мактаб бадияти ягона лойиҳада омухталанди. Масалан, мовий гумбазларнинг қошқорлик

ишларини риштонлик, ёғоч ўймакорлигига оид ишларни самарқандлик қўли гул усталар амалга оширишди. Шарқ меъморлик санъатининг шарафа, муқарнас ва бошқа шу каби ёғоч ўймакорлиги ҳамда нақш усуллари маҳорат билан қўлланилди.

Мажмуанинг энг нодир унсурларидан бири олтига ўн метрлик устунлардир. Улар 100-120 йиллик азим чинорлардан ишланган. Шарфанинг баландлиги 1,5, айланаси 38 метрдан иборат бўлиб, унда етти ярим мингга ёғоч элементлари қўлланилган. Ваҳоланки, бу санъат гоят нозик ҳисобланади. Ижодкордан катта маҳорат, билим ва тажриба талаб қилади. Бу мураккаб ишни нисбатан оз фурсатда қўйилдигидек амалга оширишда менга бир гуруҳ шогирдларим қўмаклашишди. Улар Самарқанддаги Имом Бухорий, Тошкентдаги "Хотира майдони" мажмуаларини бунёд этишда қатнашган тажрибали усталардир.


БУРУНГИ ВА БУГУНГИ МАКТАБЛАР

Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги арафасида фойдаланишга тошпирилган Бахмал қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ҳовлисини айланар эканми, бир нуруний отахоннинг қад кўтарган биноларга ҳанас билан тикилаётгани, белбоғига кўз ёшларини артаётгани гувоҳ бўлди.

Отахан Хўжам Ёгамбердиев 73 ёшга кирган. — Фарзандларимизга шунчалар ғамхўрлик қилаётган Президентимизга раҳмат, - дейди Хўжам ота. - Советлар даврида нураб турган мактабларда, зах хоналарда ўқирдик. Энди "эсиз ёшнинг" деб кўзимдан ёш чиқяпти.

— 450 ўринли ўқув даргоҳимизнинг келажаги порлоқ, - дейди коллеж раҳбари Сафар Маллаев — Ўқув ва ўқитиш ишларини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга интилоқдамиз. Амалий машғулотлар ўтказиш учун хўжаликлар билан шартномалар тузиб, 100 гектар ер ажратиб берилди.

Пардабой ТОЖИБОВ



ЯНГИ ДАСТУР АФЗАЛЛИКЛАРИ

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши ва босқичма-босқич амалга оширилётгани таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлиги ҳамда изчиллигини таъминламоқда. Умумий ўрта таълим борасида бугунги талабаларга тўла жавоб берадиган Давлат таълим стандартларининг қабул қилиниши бу соҳадаги ислохотлар жараёнида муҳим қадам бўлди.


Ушбу стандартлар ҳар бир ўқув фани дастурига янгича

маъно-мазмун бахш этган. Буни биргина физика фани бўйича жорий этилган ўқув дастури мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бу дастурда ўқувчиларнинг билим даражаси оддийдан мураккабга қараб ривожланишига эътибор қаратилади. Шунингдек, болаларнинг ўз билимларини амалий машғулотлар билан мустаҳкамлаб бориши, олинмадиган билимларнинг ҳаётийлиги каби масалалар ҳам назарда

тилган. Бу дастурнинг яна бир асосий хусусияти шундан иборатки, унда физика, математика ва астрономия фанлари соҳасидаги улкан кашфиётлар яратган буюк алломаларимизнинг ҳаёти, илмий фаолияти, қўлга киритган ютуқлари ҳақида ўқувчиларга мунтазам ва изчил маълумот бериб бориш кўзда тутилган. Чунинки, физика фани ривожини Ватанимиз ҳудудида қадим-қадимдан бошлангани, Беруний ва Хоразмийнинг

зичлики аниқлаш борасида қўлланган усуллари, Ар-Розий, Беруний ва Ибн Синонинг физик хоссалар ҳақидаги таълимотлари ҳамда бошқа кўпгина мавзулар дастурнинг янгича маъно-мазмунидан далолат беради. Маълумки, эски ўқув дастурларида Ватанимиз ҳудудида илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар, аллома боболаримиз томонидан амалга оширилган илмий кашфиётлар эътибордан четда қолдирилган эди. Бу ўринда яна бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш лозим: аллома боболаримизнинг физика фанига дахлдор кашфиётлари шу қадар кўпки, уларнинг ҳаммасини умумий таълим жараёнида тўлиқ ўзлаштириб бўлмайдди. Шунинг учун дастур улари умумий тарзда, энг муҳим маълумотларни назарда тутган ҳолда ўрганишни тақозо этади. Бир сўз билан айтганда, ушбу дастур физика фанини чуқур ва мукаммал ўқитиш борасидаги бугунги талабаларга тўлиқ жавоб беради. Айни чоғда дастур олим ва педагогларимиз олдига гоятда масъулиятли вазифани қўяди. Бу-мазкур дастурнинг маъно-мазмун ва талаблари-



Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат

ДУНЁНИНГ УСТУНЛАРИ

Jahon jarayonlari

АМЕРИКА ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА КИМ САЙЛАНДИ?

Бу саволнинг жавоби 17 ноябрь куни маълум бўлади

Американинг янги Президенти сайланди. Бироқ у ким? Жорж Бушми ёки Алберт Гор? Америка халқини худди мана шу савол 7 ноябрдан бери ўйлантириб келяпти. Чунки улар аллақачон ўз овозини ўз номзодига бериб бўлди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон айтганидек, «Халқ ўз хоши-иродасини ифода этди. Энди уни аниқлаш қолди».

270 миллион Америка аҳолисининг қарийб 100 миллиони аниқ сайловларда қатнашди. Аммо охири-охирида мамлакат Президентини аниқлаб бериш учун бор-йўғи 224 та овоз лозим эди. Сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, Жорж Буш ва Алберт Гор тўплаган овозлардаги фарқ худди шуна овозга фарқ қилди. Бу ҳол Флорида штатида рўй берди. Штат кронинга кўра эса президентликка номзодлар олган овозлар сони ярим фоиз ёки ундан оз миқдорда фарқ қилса, овозлар қўлда қайта санаб чиқиши лозим. Шу боис ҳам Флоридадаги жами 6 миллион овозни қўлда қайта санаб чиқишга киришилди. Натижада эса ўтган бир hafta давомида ўртадаги фарқлар миқдори тинимсиз ўзгариб келяпти.

Гап шундаки, Америка фуқаролари ўз Президентини тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайламайди. Балки улар ҳар бир штатнинг аҳолиси сонига қараб бўлинадиган номзодлар гуруҳи учун овоз берадилар.

Бу номзодлар гуруҳи ҳар бир штатда партия аъзолари ва сиёсий фаол одамлардан таркиб топади. Бирор штатда сайловчилар гуруҳининг кўпчилиги овозини олган номзод ўша штатдаги барча овозни олиб, голиб чиққан ҳисобланади. Флорида штати эса сайловчилар гуруҳининг энг кўп овозига эга штатлардан бири бўлиб, у фақат Калифорния (54 та овозга эга) ва Техас (32 та овозга эга) штатларидан кейинги ўринда бўлиб, 25 та овозга эга.

Айни сайлов натижаларига кўра эса, демократлар вакили Алберт Гор 19 та штат ва Вашингтон-Колумбия Округида голиб чиқиб, сайловчилар коллегиясининг 262 та овозини олган бўлса, республикачилар номзоди Жорж Уокер Буш 29 та штатдаги 246 та сайловчилар гуруҳининг овозини олган. Флорида штатидаги 25 та овоз бу ҳисобга кирмайди. Бундан кўнраки, Флоридада кўпчилик овоз олган номзод Америка Қўшма Штатлари президентлигига сайланади. Чунки Америка қонунларига кўра, президентликка номзодлардан бири мавжуд 538 та овознинг 50 фоизидан кўпрогини олиши керак. Флорида штатидаги 25 овоз эса ҳар иккала номзод учун президентликка сайланиш учун кифоя қилади.

Шуни айтиш керакки, Америка сайловлари тарихида уч марта — 1824, 1876 ва 1888 йилларда сайловчиларнинг кўпчилик овозини олган номзод президентликти эгаллай олмаган. Худди шундай ҳолатга бу гал ҳам дуч кел-

лингана ўхшайди. Зеро, агар кичик Жорж Бушнинг голиб чиққанига тасдиқланса ҳам у Америка фуқароларининг озчилик овозини олиб сайланган ҳисобланади. Чунки Флоридада қўшмаганда 99 фоиз овоз ҳисоблаб чиқилганини эътиборга олсак, 14 ноябрдаги маълумотларга кўра, Жорж Буш учун 48 миллион 999 минг 459 нафар, Алберт Гор учун эса 49 миллион 222 минг 339 нафар сайловчи овоз берган бўлади.

Америка Қўшма Штатларининг 43-президенти тақдири ҳал бўлаётган Флорида штатида эса сайлов бюллетенларини қайта санаб чиқиш давом этмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, бу штатдаги 67 та графликдан Жорж Бушни ёқлаб берилган овозлар сони 2 миллион 910 минг 299 тани, Алберт Горни ёқлаб берилган овозлар сони эса 2 миллион 909 минг 911 тани ташкил этган. Демак, Жорж Буш 388 та сайловчи овозини кўп олган. Бироқ айни кунларда чет элда вақтинча яшайётган Америка ҳарбий хизматчилари ва хорижда яшовчи бошқа фуқаролар овози бу ҳисобга кирмайди. Шу маънода ҳозирда хорижда бўлган 2 300 нафар флоридаликларнинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Почта орқали келадиган бундай сайлов бюллетенлари натижалари эса сайлов бўлиб ўтган, ўн кундан кейин, яъни 17 ноябрь куни эълон қилинади. Лекин бу кун ҳам Америка Қўшма Штатларида XX асрда бўлиб ўтаётган сўнгги президентлик сайловига ўзликесил яқун ясамолган. Чунки Америка қонунларига кўра, олдинда яна бир жараён — 18 декабрда бўлиб ўтадиган президентлик сайлови яқунларига бағишланган сайловчилар гуруҳларининг йиғилиши кутиб турибди. Унда ҳар бир штатдаги сайловчилар гуруҳи томонидан ўтказиладиган президент ва вице-президентга овоз бериш тадбири бўлиб ўтади. Шунинг таъкидлаш лозимки, шу пайтгача ҳеч қачон умум овоз олиб сайланган президент бундай йиғинларда озчилик овоз олмаган.

Ҳозирча эса кўп нарса биринчи босқич натижаларига, яъни Флоридадаги 25 та овозни қайси номзод олишига боғлиқ бўлиб турибди. Маълумки, ўтган кунлари демократлар бу штатнинг Палм Бич ва бошқа штатларида ҳам сайлов бюллетенларини қўлда санаб чиқишни талаб қилиб чиққач, республикачилар ҳам Америка Қўшма Штатлари Федерал судининг Майами шаҳри бўлимига Флориданинг қолган тўртта ҳудудда (АҚШда бундай ҳудудлар қонун, яъни графлик деб аталади) овозларни қўл билан санаб чиқишни тўхтатиш талаби билан мурожаат қилди. Аммо ҳозирча суд бу таклифни қабул қилмади. Флорида штатидаги овоз бериш жараёни билан боғлиқ бундай машамалар эса давом этмоқда.

Табиийки, шу кунларда Америка Қўшма Штатларида президентлик сайлови натижалари қандай натижага топди, деган савол барчани бирдек қизиқтирмоқда.

Алишер ҚАЮМОВ

Юртимиздан чиққан буюк алломалардин бири калом илмининг асосчиси Имом Абу Мансур ал Мотуридий. Имом ал Мотуридий 870 йилда Самарқанднинг Мотурид

О'зligimiz o'zanlari

буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўзининг "Насойим-ул муҳаббат" асарыда: "Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замони-

кўрсатди. Турли бузгунчи гуруҳлар ва тоифаларга қарши курашда ас-сунна вал-жамоанинг кучли гоёвий, маънавий қуроли сифатида хизмат қилди. Буюк

Б У Ю К МУТАКАЛЛИМ

махалласида таваллуд топиб, 944 йилда, яъни 74 ёшда

нинг аълам уламоси эрмиш. Ул вақт уламо-

Самарқандда вафот этган. Имом ал-Мотуридий калом илмининг асосчиларидан бири бўлган ва унинг қаламига ман-

Мисрлик олим доктор Али Абдулфаттоҳ ал-Магрибийнинг "Имом аҳл ас-суннат ва-л-жамаот Абу Мансур ал-Мотуридий ва ороҳу-л-каломийя" ("Аҳли ас-суннат ва-л-жамаотнинг имоми Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг каломий қарашлари") номли асари муҳим тадқиқотлардан ҳисобланади. Қоҳира университетиде докторлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинган.

суб ўндан ортиқ асарларнинг аксарияти калом илмининг турли масалаларига бағишланган. Калом илми деб диний ақидалар ва уларнинг усуллари ақлий ва нақлий далилларга таяниб шарҳлашга айтилади. Калом илми билан шуғулланувчи олимлар мутакаллимлар дейилади. Ўрни келганда айтиш керакки, алломанинг илмий меросида ақидавий (эътиқодий) масалаларда ҳам, яъни ҳидоят йўлидан адашиб, турли фирқа ва тоифаларга бўлиниб кетган оқимларга қарши курашиш салмоқли ўринни эгаллайди. Бинобарин, буюк мутакаллимнинг қатор асарлари ана шу тарздаги залолатга кириб кетган оқимларга шафқатсиз курашни акс эттиради.

си аларни "Султон ул-муиззин" дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари билан ораста эрмишлар", - деб лутф қилган эканлар. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида ёзган тарихнавислар унинг табарук номини хилма хил, ўта юксак ва шарафли сифатлар билан беэаб зикр қилганларки, эҳтимол бепоён мусулмон оламидаги алломалардан бирортасига ҳам шу тарздаги фазилатли сифатлар насиб этмаган бўлса керак.

Имом ал-Мотуридий ҳазратлари яратган таълимот дастлаб Моварауннаҳр ва Хуросонда, ундан кейин кўплаб Шарқ мамлакатларига кенг қўламда тарқалиб, ислом динининг асл моҳиятини тўғри талқин қилишда, турли сабаблар билан жамиятда одамлар ўртасида қарор толган маънавий инқирозни ислоҳ қилишда, гоёвий бўшлиқни тўлдиришда беэаб таъсирини

ватандошимизнинг минг йиллар давомида динни бағри кенглик ва эътиқодий покликни тарғиб қилувчи таълимоти маънавий комил инсонларни тарбиялашдек улуг бир мақсадга қаратилган эди. Шу боисдан бу абадий ўлмас таълимот ҳозирги давримиз учун ҳам улкан аҳамиятга моликдир.

Убайдулла УВАТОВ, Тошкент Ислам университети Исламшунослик илмий тадқиқот марказининг бош илмий ходими

Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллигига

Имом ал-Мотуридий ҳазратларининг қаламига мансурб асарлар:

1. Китоб Таъвилот аҳл ас-сунна (бу асар "Таъвилот ал-Қуръон" деб ҳам юритилди).
2. Китоб Моахаз аш-шароиф.

ТАДҚИКОТ

Тунислик олим доктор Белқосим ибн Ҳасан ал-Ғолийнинг "Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаётини ва ақидавий қарашлари" номли китоби Мотуридийнинг ҳаёти ва ўлмас таълимоти илмий ўрганиш йўлидаги муҳим тадқиқотлардан биридир. Мазкур тадқиқот 1989 йилда Тунисдаги "Дор ат-Туркий лин-қашр" матбаасида алоҳида китоб шаклида нашр этилган.

Саудиялик олим Аҳмад ибн Авазоллоҳ ибн Доҳил ал-Лаҳибий ал-Ҳарбийнинг 1413 хижрий (1992 милодий) йилда Саудия Арабистонининг пойтахти Ар-Риёд шаҳрида монография шаклида чоп этилган "Ал-Мотуридийя: диросатан ва тақвийман" ("Ал-Мотуридийя: тадқиқот ва замонавийлик") номли йирик тадқиқоти 574 саҳифадан иборат.

СИФАТЛАР

Таниқли муаррих ал-Қафавий ва бошқа қатор муаллифлар ёзишларича, **Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонасидаёқ "Имом ал-Худо"** ("Русдий ҳидоятга бошловчи имом"), "Қудват аҳил ас-сунна вал ихтидо" ("Суннат ва ҳидоят аҳлига ибрат зот"), "Рофиъ аълом аҳл ас-сунна вал жамоа" ("Аҳли сунна вал жамоанинг байроғини баланд кўтарувчиси"), "Қолий азалийил ал-фитна вал битъат" ("Хурофот ва бидъатга ботган уйдирмаларни илдири билан қўпроувчиси"), "Имом ал-мутакаллимийн" ("Барча мутакаллимларнинг имоми"), "Мусахҳий ақоид ал-муслимийн" ("Мусулмонлар ақидаларининг тузаттувчиси") каби юксак сифатларга сазовор бўлган аллома сифатида тан олинган.

НАШР

Олмонидаги Геттинген университети арабшунослик институти профессори Ульрих Рудольфинг "Ал-Мотуридий ва Самарқанддаги суннийлик илоҳиёти" номли китоби Фридрих Эберт фондининг фалсафий-илоҳий соҳадаги дастлабки нашри бўлиб ҳисобланади.

Qlam ovoz!

КЕЛИШУВГА ЭРИШИШ МУМКИНМИ? ёки Яқин Шарқдаги можаролар хусусида

Яқин Шарқда Исроил аскарлари ва фаластинликлар ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда. Зўравонликларга чек қўйиш мақсадида воқеалар жараёнига Америка Президенти Билл Клинтон ҳам аралашмоқда. Американинг халқаро майдонда нуфуз ошишига ва иқтисодийнинг гуллаб-яшнашига катта ҳисса қўшган Билл Клинтон ҳокимиятдан кетгунга қадар Исроил ва Фаластин ўртасида тинчлик келишувларига эришиш ниятида эди. Афсуски, у мазкур вазифани келаси йилнинг 20 январига қадар ундай олмайдиган кўринади, шу йилнинг ўзида Вашингтон яқинида, президентларнинг ёзги қароргоҳи бўлиши Кемп Дэвид шаҳарчасида ёки Мисрнинг Қизил денгиз бўйидаги Шар-Аш-Шайх дам олиш шаҳарчасида Яқин Шарқ яқуний тинчлик битимларига эришиш ёки ўт учини тўхтатишга эришиш борасида Америка сибсатчилари воситачилигида бир неча бор музокаралар ўтказилди. Афсуски, бу уринишлар бехуда кетмоқда. Шунингдек, Есир Арофат бир неча мақсадларни амалга ошириш йўлида Вашингтонга ташриф буюриб, АҚШ Президенти Билл Клинтон билан музокаралар олиб борди. Учрашувда иккита муҳим масала ҳал қилинди. Булардан биринчиси, 180 дан ортиқ кишининг ўлимига олиб келган можароларни текшириш бўйича халқаро комиссия тузиш масаласидир.

нукъ сўзлаб, Фаластин аҳолисини Исроил агрессиясидан ҳимоя қилиш мақсадида икки минг ҳарбий хизматчининг иборат халқаро кучлар жойлаштирилишини илтимос қилган. Бироқ ушбу талаб Қўшма Штатлар ва Исроил томонидан норозилик билан кутиб олинган. Демак, ушбу илтимоснинг Хавфсизлик кенгаши томонидан қондирилишига имкон йўқ. Чунки расмий Вашингтон аллақачон бундай резолюцияга Вето қўйишга ваъда берган. Маълумки, Хавфсизлик кенгашининг доимий беш аъзоларидан бири резолюцияга Вето қўйдиган бўлса, бу ишни амалга оширишнинг иложи йўқ. Еҳуд Барак ҳажонинг сиёсий раҳбарларига йўллаган мурожаатида Фаластин давлати ташкил этилишини тан олишга тайёр эканлигини, бироқ бунга зўравонликлар билан эмас, балки Исроил билан тинчлик жараёнлари орқали эришиш лозимлигини таъкидлаган. Кузатувчиларнинг фикрича, оғир аҳволда қолган Есир Арофат бир томонлама мухторият мустақиллигини эълон қилиб юбориши ва БМТдан халқаро ҳуқуқнинг суверен субъекти сифатида ҳимоя қилинишини сўраши мумкин. Исроил эса мустақиллик эълон қилинган тақдирда Иордан дарёсининг гарбий қирғоғи ва Ғазо секторини қайтадан ишғол қилишга "ваъда" бераётир.

Қўшма Штатлар Президенти Клинтон таклифига кўра, Вашингтонга келган Есир Арофат БМТ хавфсизлик кенгашининг йиғилишида

Абдуғаффор КИРФИЗБОЕВ, сиёсий шарҳловчи



ЎЗАЛ МАЪНОЛАР

Яқинда Самарқандга йўлим тушган эди. Қурилатган мажмуани бориб кўрдим-да, ҳайратим ошди. Менга мажмуанинг маҳобатли, юксак эканлиги, баланд ва мустаҳкам устунларда мовий гумбазларнинг мавжлаиб кўриниши жудаёқ экди, чунки у рамзий маънога эга. Бу Мотуридий бобомизнинг буюк илмий меросига, қолаверса бутун тарихимизга қўйилган ўзига хос тисмолдир. Устунлар — Мотуридий бобомизнинг илмий мероси инсоният билими ва маданиятининг ўзига хос таянчларидир. Гумбаз — дунё, ақл-идрок, тафаккур устунлари бўлиб турибди. Устунлар ва гумбазлардаги ҳар бир чизиқ, нақш, белги минг бир маънога эга. Уни укмоқ эса ҳар бир кишини ўз қалби, ўзлигини англаш сари етаклайди.

Бахтиёр ТОШПҮЛАТОВ, Тошкент шаҳри, талаба

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **203** Нашр индекси

ТУРКИСТОН

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга ўтказиш варақаси **203** Нашр индекси

ТУРКИСТОН

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга



Флорида штатида сайлов бюллетенлари қўлда қайта санаб чиқилмоқда

НИХОЛ
СЕВАРА НАЗАРХОННИНГ МУХАББАТИГА
ЙИГИТ КИМ?..

Севара оилада учинчи фарзанд. Оналар ўз фарзандларининг салоҳиятига, иқтидорига қандай баҳо берадилар? Биз шу саволга жавоб топиш учун мухлислар қалбига муҳаббат тароналари, севги салолари билан кйриб бораётган хушовоз хонанда, "Нихол" мукофоти соҳибдори Севара НАЗАРХОННИНГ онаси Муҳтарамхон БЕКНАЗАРОВА билан суҳбатлашдик.

— Севара Назархоннинг оилада қандай эканлиги мухлисларни жуда қизиқтиради?
— Қизимиз меҳнат-



— Севара Назархоннинг оилада қандай эканлиги мухлисларни жуда қизиқтиради?
— Қизимиз меҳнат-

ЁШЛАР ДУНЁСИ

ни ўз муҳаббатига лойиқ топса, ўша йигит унга муносиб ёр бўлади.
— Севаранинг қайси хислатларини қадрлайсиз?
— Фарзанднинг камолтини кўриш ҳар бир она учун бахт ҳисобланади. Севаранинг меҳнатқашлигини, тўғриси ва талабчан, чаққон қиз эканлигидан қувонаман.

— Севаранинг нуфузли "Нихол" мукофотига сазовор бўлганини эшитиб...
— Бу хабарни эшитиб жуда ҳаяжонландим, хурсанд бўлдим. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган бу мукофотга қизимни ҳам муносиб кўрганликлари катта бахт, ахир. "Нихол" мукофоти барча совриндорлар қаторида Севарани ҳам янада руҳлантиришига, катта ижодий ишлар қилишига даъват этади.

"Туркистон" мухбири Шоира ХАСАН қизи суҳбатлашди.
Суратда: Севара НАЗАРХОН оила даврасида

МЕНГА СОВАРЗАНД КАБИ АЗИЗ СИРИМИЗ



Хувиллайди юрагимнинг саройлари:
Айрилдикми орзуларим қарвонидан?
Кўзим — ишқининг икки илҳак ҳумойлари,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Менинг қизим хазон янглиғ тўзиб борар,
Битта кўрқув руҳимда буй чўзиб борар.
Номард дунё ҳамон биздан ўзиб борар,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Шўрлар босди пешонамнинг ерларини,
Тикон тилди киприқларим елларини.
Кулгуларим юлди фироқ тилларини,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Ўн атиргул гуллаётир ҳарамиди,
Келса гулдай очилмасми қадамиди.
Учирмасми ўқинларим қаламиди,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Эй сарварим, эплолмади аёнларинг —
Ой мисоли куйган менинг армонларим.
Оҳ, қайда у менга қалқон мужгонларинг,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Буну севги қонунларинг андозасин,
Тўзи кундуз очик қўйдим дарвозасин.
Олдирдимми шамолларга овозасин,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Етолмадим, на сиз-у, на ўйларимга,
Тушим мудом кўшиқларинг куйларига.
Отланибди баҳор висол тўйларига,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Сўроқласам, сўроқлардан озорлар бор,
Толе биздан тамом жони безорлар бор.
Ё кўнгида биз кўмилган мазорлар бор,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Бас, муз қотдим, қароғингиз — лағча чўғдир,
Султоним-эй, бунча беғам, кўнгли тўқсиз?
Омонмисиз, саломатми, мунча йўқсиз,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Соғинчимни белбоғ қилиб белингизга,
Қайтинг беғим, баҳор каби элингизга.
Олинг абгор вужудимни қўлингизга,
Дарак йўқми юрагимнинг султонидан?

Бир ойки, қуёшнинг дарағи йўқдир,
Кундузларим тилсиз, кечаларим жим.
Бир ойки, бу кўча кўксимда ўқдир,
Саломат бормисан, севгилим?

Бир ойки, банданнинг ётоғи тобон,
Кундузлари — ошно, тунлари — улфат.
Сенсиз кўп қийналдим, қийналдим ёмон,
Мени кўп қийнаган соқов сукунат.

Бир бор ташрифинга арзирми дунё,
Бир оғиз лутфинга минг йиллик зорим.
Балки мен беҳабар чарчадингми ё,
Жонингга тегдимми ва ё руҳсорим.

О, менга не керак, не қилай сенсиз,
Бу кибор кентининг дабдабаларин?
Қисирлаб-қисирлаб синсалар сўнгсиз,
Қоинот ичинда қобиргаларим.

Паришон ой каби учраган қасдан
Кўзларим соҳибин соғинса бешон.
Агарда хор бўлсам ҳаттоки ҳасдан,
Ҳаттоки ҳасдан-да ожиз, нотавон.

Сенсиз очилмас оламнинг ранги,
Бу кеча кечмас агар жонимдан.
Кел, қорларга кўм-ай қовоғингдаги,
Йўқсиз ўт кўйиб кет устихонимдан.

Йўқса энди сира инсофга келмас,
Кеч ҳам, кундуз ҳам мангу пойма-пой.
Мени на қуёш, на тўпроққа бермас,
Заминга қуш каби қўнган мудҳиш ой...

Соатнинг тилига кишанланган илк,
Кўрсатар фурсатнинг белгисин адо.
Нечун туриб қолдинг останада тик,
Бошимоғин киймоққа шайланган садо.

Сени қўларингдан тортаётган ким,
Менинг тилларимга сўз берган нима?
Қутар қароғимда чайқалганча жим,
Сен фақат бир нафас тарк этган кема.

Ху, узок осмонда бошланар олғир,
Ҳаётнинг қажжақа қалдиқлариди.
Қулиш шарт, қулмоғи шарт унинг, ахир,
Унинг тошдан йўнган қўғирчоқларин.

Алвидо, висол кўп эмасдир узок,
Алдамас бу сафар алдоқчи дайр.
Бизларга ўқилгай энг гўзал никоҳ,
Лаблардан жон каби узилгач "Ха... йр"

Розиман, топганинг — ҳаловатингдан,
Фақат баъзан меҳрим кўмсамасанг, бас!
Осуда кўнларинг тароватидан
Айирмас бақдир бирон-бир нокас.

Қайнамаса басдир баъзида кўрдош,
Юлдузлар ила ёд олган иллимиз.
Айбингмас суймасанг, этмасанг йўлдош,
Менга фарзанд каби азиз сирымиз!

Сени иқбол учун асрагандим, бас,
Қалбимнинг энг иссиқ кенгликлариди!
Сенга насиб этсин шундайин бир кас,
Бутун бўл муҳаббат тенгликлариди!

Азизим, мен фақат кўрмасам басдир,
Ҳамнинг кўзларида қуюқ қорангни.
Мени ул санамнинг соҳига остир,
Изларига кўмгил сўнгра танамни!

Маҳмуда ЖўРАЕВА

... У аёл ёлғиз ўзи беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Ҳа, нима бўпти, ҳамма ҳам боласини оқ ювиб, оқ тарайди-да, дерсиз. Дарҳақиқат шундай, бироқ бу аёлнинг хотира дафтаридан ҳаммасини билиб оласиз.

Тенг-тўшларим қатори турмушга чиқдим. Хўжайиним билан жуда аҳил эдик, афсуски, умрлари қисқа экан, ўғлимиз Акмалжон атак-чечак юра бошлаганда, автоҳалокат туфайли вафот этдилар. Бошқа турмушга чиқибни хаёлимга ҳам келтирмадим. Акмалжон 4-5 ёшга кирганда, қўшнилари билан болаларини кўриб:

— Ойижон, менга ҳам ука олиб келинг, ҳамма ўртоқларимнинг укалари, дадалари бор, нега менинг дадам ҳам, ака-укам ҳам йўқ, - дея хархаша қила бошлади. Барча тушуниришлари, уринишлари бекор кетгач, онам билан маслаҳатлашиб болалар уйдан битта қизалоқ ва дўмбоққина ўғил бола олиб кел-

дим. Акмалнинг хурсандлигини кўрсангиз эди... Кунларнинг бирида эшик кўнгиригининг овозидан чўшиб уйғондим. — Ким? - зўрга овозим чиқди. Кимдир шоша-пиша зинадан тушиб кетди шекилли, оёқ товуши эшитилди. Қизим пичирлайди: "Ойижон, ким бўлдикин?" Билмадим, қизим. Бугун ўзи кўнглим безовта эди-я, Акбарни негаям ҳолангикига жўнатдим, - дедим афсусланиб. Шу пайт қулогимга чақалоқ йиғиси эшитилди. Жойимизда қотиб қолдик. — Ҳаммаси Худодан қизим, секин қарай-чи, чақалоқ бўлса совуқдан музлаб қолмасин.

Чидолмадим. — Шу болани боқиб оламан, ўз ҳисобимдан таътилга чиқаман, - дедим, қизимнинг кўзлари чақнаб кетди. Ишхонадагиларнинг ёрдами билан болага ҳужжатларни тайёрладик. — Оқшом маҳал уйда ўтирсак, қўшним чиқиб қолди, ёнида нотаниш ҳамроҳи ҳам бор эди. Уйга кириб ўтиришгач, қўшним гап бошлади: "Рафикалари вафот этиб, қизча қолибди, болага қарашадиган ҳеч кимлари йўқ экан. Биласиз, эркак киши, жуда қийналибди. Вақтинча қарашадиган одам излаб юрган эканлар, сизни айтгандим, олиб чиқинг, деб қўймадилар".

Ҳозир кичкина Темуржон билан Замирамиз 2-синфда ўқишяпти. Ўғлим Акмалжон яқинда қизчаллик бўлди. Энди Акбаржонни уйлантириш ниятидамыз.

Сайёра ШОЕВА

дим, сўнги "Тез ёрдам" га кўнгирак қилдим. Врач келиб кўрди, касалхонага олиб кетмоқчи бўлди. — Кўй, қизим. Бола боқишдан қўлимиз чиқиб қолган. Сен ишли одамсан, мен ўзимни зўрга эпласам. Бунинг устига боланинг соғлиги ҳам яхши эмас, уволига қўлмайлик.

Зубайда эса кўзларимга илинж билан қарар, нигоҳидаги "Онажон, у биз билан қолсин" деган илтижонни кўриб: — Шу болани боқиб оламан, ўз ҳисобимдан таътилга чиқаман, - дедим, қизимнинг кўзлари чақнаб кетди. Ишхонадагиларнинг ёрдами билан болага ҳужжатларни тайёрладик.

Оқшом маҳал уйда ўтирсак, қўшним чиқиб қолди, ёнида нотаниш ҳамроҳи ҳам бор эди. Уйга кириб ўтиришгач, қўшним гап бошлади: "Рафикалари вафот этиб, қизча қолибди, болага қарашадиган ҳеч кимлари йўқ экан. Биласиз, эркак киши, жуда қийналибди. Вақтинча қарашадиган одам излаб юрган эканлар, сизни айтгандим, олиб чиқинг, деб қўймадилар".

Ҳозир кичкина Темуржон билан Замирамиз 2-синфда ўқишяпти. Ўғлим Акмалжон яқинда қизчаллик бўлди. Энди Акбаржонни уйлантириш ниятидамыз.

Сайёра ШОЕВА

Sizga zarur kitoblar

МУСТАҚИЛЛИК — МАСЪУЛИЯТ

Мустақиллик қадрини янада тереяроқ тушуниш учун нима қилишимиз лозим?
Назаримда, бунинг учун истиқлол моҳиятини англашга хизмат қиладиган рисодалар зарур. Яқинда Ф.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чол этган "Мустақиллик моҳияти" китоби ҳам мазкур эҳтиёжнинг ҳосиласи сифатида пайдо бўлди.
Журналист Шерхон Қораев қаламига мансуб ушбу рисоладан сиз Мустақиллик нима? Унинг аҳамияти нимада? Истиқлол бизга нима берди? каби саволларга

жавоб олишингиз мумкин. Муаллиф халқимизнинг етакчи зиёлилари, олимлар, адиблар ва элчилар билан суҳбатлар орқали истиқлолнинг осонлиги билан қўлга киритилмаганини ва мустақилликни тириклик билан баробар неъмат эканлигини очиб беришга ҳаракат қилган ва қайсидир даражада ўз мақсадига эришган ҳам.
— Мустақиллик осмондан чўзма чалпак ёғдирдиган афсонавий нарсас эмас. У ҳар кимга ҳуқуқ бериш билан бирга ҳар кимдан масъулият талаб қиладди, - дейди Ўзбекистон халқ ёзувачи-



си Ўткир Ҳошимов.
Дарҳақиқат, рисолада айтилганидек, мустақиллик масъулият. Озод Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этиш масъулиятидир.
Нодир ЮСУПОВ



Цифраларнинг олдида
Қилавермай кўп муқам,
Қани энди, онаси,
Келтиринг-да ошни ҳам.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ
ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

Куйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

АСПИРАНТУРАГА:
— иссиқлик двигатели;
— автомобиль ва тракторлар;
— автомобиль транспорти эксплуатацияси;
— автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш;
— кўприклар ва транспорт тунеллари;
— иқтисод, режа (менежмент).

ДОКТОРАНТУРАГА:
— автомобиль транспорти эксплуатацияси;
— иссиқлик двигатели.

Ҳужжатлар 25 ноябргача қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 20-уй, 6-хона.

Э Ё Л О Н
Ҳурматли ҳамюртлар!
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 ноябр кундаги 625-Ф сонли фармойишига асосан халқ хўжалиги ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш мақсадида

15 ноябрдан 15 декабргача Республикада ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

Азиз ватандошлар! Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш билан Сиз давлат ва шахсий мулкнинг ёнғиндан асраган, шунингдек яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси Сизлардан ёнғин хавфсизлиги ойлигининг ўтказилишида фаол қатнашишларингизни сўрайди.

Қандай изохлайсиз?